

## Мусобақага соврин тикишга ижозат борми?

15:50 / 24.04.2016 4285

Телевизорда кўрсатилишича, арабларда туя ва от пойгаси тез-тез уюштирилиб тураркан. Бизда ҳам от пойгаси, улоқ каби мусобақалар ташкил этилиб, ўтказилади. Бу ишларга кўпинча мукофот-совринлар ҳам тикилади. Бунга шариатда рухсат этиладими? Умуман ҳайвонлар билан мусобақа ўтказиш мумкинми?

**ЖАВОБ:** Бу нарса динимизда бор. Бу борада Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан кўплаб ҳадиси шарифлар келган. Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий алайҳиссалом боқилиб, совутилган отлар билан мусобақа ўтказдилар. Уларни Ҳайфадан қўйиб юбордилар. Борадиган паккаси Саниятул Вадоъгача эди. Мен Мусодан: «Уларнинг ораси қанча эди?» деб сўрадим. «Олти ёки етти мил эди», деди. Ибн Умар ўша мусобақада қатнашганлардан эди» (Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насайи ривоят қилишган).

Отларни чиниқтириш учун алоҳида боқиб совутилади. Аввал ем бериб семиртирилади. Кейин еми аста-секин озайтириб борилади. Чоптириб терлатилади. Турли нарсаларга ўраб совутилади. Ниҳоят, от чиниқиб мусобақаларда қатнашишга тайёр бўлади. Ҳайвонлар ўртасида мусобақа қилишда уларнинг совутилган бўлиши эътиборга олинishi шарт экан. Чунки Пайғамбар алайҳиссалом ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинганидек, совутилган отлар орасида ўтказилган мусобақада олти ёки етти мил масофани ихтиёр қилганлар. Совутилмаган отлар орасида ўтказилган мусобақада эса бир милча масофани белгилаганлар. Совутилмаган отлар кўп чопса, қийналиб қолиши мумкинлиги эътиборга олинган.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий алайҳиссаломнинг Азба деган туялари бўлиб, ундан ўзадигани йўқ эди. Бир аъробий ўзининг туяси билан келди. У ўзиб кетди. Бу мусулмонларга оғир ботди. У зот буни билдилар ва: «Бу дунёда ҳар бир кўтарилган нарсани пасайтириш Аллоҳ учун ҳақдир», дедилар» (Бухорий ва Насайи ривоят қилишган).

Бу ҳадиси шарифдан туялар мусобақаси жоизлигини билиб оламиз. Шунингдек, спорт оламининг энг муҳим қоидаларидан бири бўлмиш ҳеч ким ва ҳеч нарса абадий биринчи бўлиши мумкин эмаслигини ҳам англаб етамиз. Ҳар қандай олий сифатларга эга бўлган мусобақачи ҳам вақти-

соати келганда ютқазishi турган гап.

Абу Хурайрадан ривоят қилинади: «Набий алайҳиссалом: «Фақат панжа, туёқ ва нислдагина мусобақа бор», дедилар». «Панжа» дейилганда туя ва шунга ўхшаш ҳайвонларнинг оёқ панжалари кўзда тутилади. Яъни, ўша шаклдаги ҳайвонлар орасида пойга ўтказиш мумкин.

«Туёқ» деганимизда от ва шунга ўхшаш ҳайвонларнинг оёқлари кўзда тутилади. Яъни, ўша шаклдаги ҳайвонлар орасида ҳам пойга ўтказиш мумкин.

«Нисл» деганда найза ва камон ўқи учига ўрнатилган темир найзалар кўзда тутилган. Демак, ушбу турдаги нарсаларда ҳам мусобақалар ўтказиш мумкин ҳисобланади.

Имрон ибн Хусойн розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий алайҳиссалом: «Мусобақада жалб қилиш ва ёнбош қилиш йўқ», дедилар» (“Сунан” эгалари ривоят қилишган).

Бу ҳадиси шарифдаги «жалб қилиш»дан мурод пойгада қатнашаёган ҳайвонни тезлатиш учун махсус кишини жалб қилиш кўзда тутилган. Яъни, мусобақадан ташқаридаги шахс мусобақага аралашмаслиги зарур.

«Ёнбош қилиш»дан мурод, пойгада иштирок қилаётган от чарчаб қолганида унинг ёнига бошқа отни яқинлаштира туриб, пойгачининг ўша янги отга ўтиши ва пойгани давом этдириши кўзда тутилган. Булардан мусобақада турли ҳийлалар ишлатиш мумкин эмаслиги келиб чиқади.

Юқорида келган ҳадиси шарифлардаги каби мусобақалар шариатда жоиз ҳисобланади. Агар ўша мусобақаларга мол- мулк аралашмаса, жуда яхши бўлади. Пул ёки мол мусобақага аралашганида ҳам соврин сифатида аралашгани тўғри бўлади. Мисол учун, давлат ёки баъзи шахслар томонидан тикилган совринлар бўлиши мумкин. Шунингдек, соврин мусобақа қилувчиларнинг бир томонидан тикилган бўлиш ҳам мумкин. Мисол учун, “мен сендан ўзиб кетсам ҳеч нарса бермайсан, аммо сен мендан ўзиб кетсанг, мен сенга бунча нарса бераман”, дейиш каби. Аммо икки мусобақалашган тараф ҳам пул ёки мол тикиши мумкин эмас. Агар бу шаклда бўлса, албатта, ҳакам бўлиши шарт (Аллоҳ билувчидир).